19:25 Хоккей. КХЛ. "Ак  
Барс" (Казань) -  
"Металлург" (Магнито-  
горск). Прямая трансля-  
ция  
21:45 Большой спорт  
22:05 "Танковый  
биатлон"  
23:10 "Эволюция"  
00:10 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
01:55 "24 кадра"  
02:30 "Трон"  
03:00 Хоккей. КХЛ.  
"Авангард" (Омская  
область) - "Трактор"  
(Челябинск)  
05:10 X/ф "Позыной  
"Стая". Попутный ветер"

**Сешанба**

07:00 Панорама дня.  
LIVE  
08:20 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
10:10 "Эволюция"  
11:45 Большой футбол  
12:05 X/ф "Тайная  
стража. Смертельные  
игры"  
15:30 "Дуэль"  
16:35 "Полигон".  
Разведка  
17:05 "Освободители".  
"Разведчики"  
18:00 X/ф "Смертельная  
схватка"  
21:45 Большой спорт  
22:05 "Танковый  
биатлон"  
23:10 "Эволюция"  
00:15 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
02:05 Профессиональный  
бокс. Геннадий Головин  
против Марко

Антонио Рубио. Бой за  
титул чемпиона мира по  
версиям WBA, WBC и IBО  
03:00 Хоккей. КХЛ.  
"Северсталь" (Череповец)  
- ЦСКА  
05:10 X/ф "Позыной  
"Стая". Кулон Атлантов"

**Чоршанба**

07:00 Панорама дня. LIVE  
08:20 Сергей Чонишвили,  
Илья Соколовский и  
Михаил Полищайко в  
X/ф "Записки экспеди-  
тора тайной канцелярии"  
10:10 "Эволюция"  
11:45 Большой футбол  
12:05 Сергей Маховиков  
и Евгений Сидхин в X/ф  
"Тайная стража. Смер-  
тельные игры"  
15:35 "Иду на таран"  
16:30 Большой футбол  
16:55 Футбол. Кубок  
России. 1/8 финала. "Уфа"  
- "Локомотив" (Москва).  
Прямая трансляция  
18:55 Футбол. Кубок  
России. 1/8 финала.  
"Зенит" (Санкт-Петер-  
бург) - "Арсенал" (Тула).  
Прямая трансляция  
20:55 Футбол. Кубок  
России. 1/8 финала.  
"Кубань" (Краснодар) -  
"Тосно". Прямая трансля-  
ция  
22:55 Большой футбол  
23:40 "Эволюция"  
00:10 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
02:00 Профессиональный  
бокс. Александр Повет-  
кин (Россия) против  
Карлоса Такама (Каме-  
рун)  
03:00 "Дуэль"  
04:05 "Рейтинг Баженова".  
Могло быть хуже  
04:40 "Мастера". Камнерез  
05:10 X/ф "Позыной  
"Стая". Восток - дело  
тонкое"

**Пайшанба**

07:00 Панорама дня. LIVE  
08:20 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
10:05 "Эволюция"  
11:45 Большой футбол  
12:05 Андрей Чадов, Марк  
Дакасос и Игорь  
Жижкин в X/ф "Дело  
Батагами"  
15:30 "Извините, мы не  
знали, что он невидимый"  
12+  
16:25 "Танковый биатлон"  
18:30 Большой футбол  
18:55 Футбол. Кубок

России. 1/8 финала.  
"Рубин" (Казань) -  
"Спартак" (Москва).  
Прямая трансляция  
20:55 Большой футбол  
21:25 "Иду на взрыв.  
Смертельные будни"  
22:20 "Эволюция"  
23:55 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии"  
01:40 Профессиональный  
бокс. Рахим Чакхиев  
(Россия) против Джакоб-  
бе Фрагомени (Италия)  
02:55 "Наука на колесях"  
03:25 X/ф "Погружение"

**Жума**

07:00 Панорама дня.  
LIVE  
08:20 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии 2"  
10:10 "Эволюция"  
11:45 Большой футбол  
12:05 X/ф "Дело Батага-  
ми"  
15:40 Фильм "Рок-н-ролл  
под Кремлем"  
19:00 Большой спорт  
19:25 Хоккей. КХЛ.  
"Динамо" (Москва) -  
СКА (Санкт-Петербург).  
Прямая трансляция  
21:45 Большой спорт  
22:00 Смешанные  
единоборства. Владимир  
Минеев (Россия) против  
Себастьяна Чибану  
(Румыния). Прямая  
трансляция  
00:00 X/ф "Записки  
экспедитора тайной  
канцелярии 2"  
01:45 "Эксперименты".  
Угрошение воды  
02:10 "За кадром". Иран.  
Зороастрийцы  
03:00 Хоккей. КХЛ.  
"Локомотив" (Ярославль)  
- "Динамо" (Рига)  
05:00 Профессиональный  
бокс. Александр Повет-  
кин (Россия) против  
Карлоса Такама (Каме-  
рун); Рахим Чакхиев  
(Россия) против Джакоб-  
бе Фрагомени (Италия)

**Шанба**

07:00 Панорама дня.  
LIVE  
08:10 "Диалоги о рыбал-  
ке"  
08:40 "В мире животных"  
с Николаем Дроздовым  
09:15 Николай Добрынин  
в сериале "Байки Митяя"  
11:45 Большой спорт

12:05 "24 кадра"  
12:35 "Трон"  
13:10 "Наука на колесях"  
13:40 "Непростые вещи".  
Газета  
14:10 X/ф "Шерлок  
Холмс". Бейкер Стрит  
221Б  
16:00 X/ф "Шерлок  
Холмс".  
17:55 "Дуэль"  
19:00 Игорь Петренко и  
Андрей Панин в X/ф  
"Шерлок Холмс". Паша  
20:55 Формула-1. Гран-  
при США. Квалифика-  
ция. Прямая трансляция  
22:05 Большой спорт.  
Формула-1 в Сочи  
22:55 "Танковый биатлон"  
01:10 "Опыты дилетанта".  
Скалолаз  
01:40 "На пределе"  
02:10 "Неспokoйной  
ночи". Стокгольм  
02:40 "Максимальное  
приближение". Париж  
03:00 Фигурное катание.  
Гран-при Канады. Прямая  
трансляция

**Шаншанба**

06:50 Панорама дня. LIVE  
08:20 "Моя рыбалка"  
09:00 "Язв против едь"  
09:30 "Рейтинг Баженова".  
Война миров  
10:00 "Танковый биатлон"  
12:00 "Полигон". Само-  
ходное орудие "Нона"  
12:30 Большой спорт  
12:55 Баскетбол. Единая  
лига ВТБ. "Химки"  
"Зенит" (Санкт-Петер-  
бург). Прямая трансляция  
14:45 X/ф "Шерлок  
Холмс". Любовницы  
лорда Маулбуря  
16:30 X/ф "Шерлок  
Холмс". Обряд дома  
Местреивов  
18:15 Павел Деревянко в  
X/ф "Невалишка"  
20:05 X/ф "Невалишка 2"  
21:55 Большой футбол  
22:45 Формула-1. Гран-  
при США. Прямая  
трансляция  
01:15 "Как оно есть".  
Кофе  
02:10 "Смертельные  
опыты". Трансплантоло-  
гия  
02:40 "Максимальное  
приближение". Без  
тормозов. Италия  
03:15 "Человек мира".  
Крымские каникулы  
04:10 "Неспokoйной  
ночи". Берлин  
05:00 Смешанные  
единоборства. M-1  
Challenge

Одатда хостинг танланганидан сўнг, веб-сайт (домен)га ном бериш зарурияти юзага келади. Бир сўз билан айтганда, веб-сайтнинг манзили — номида унинг бутун моҳияти аксини толса мақсадга мувофиқдир. Масалан, [kitob.uz](http://kitob.uz) сайтида китоблар ҳақида, [soliq.uz](http://soliq.uz) сайтида фақат солиқлар ҳақида сўз боради, тегишли хизматлар, маълумотлар тақдим этилади. Домен номи — рамзлар, яъни ҳарфлар (лотин алифбосида) кетма-кетлиги бўлиб, уни фойдаланувчи сайтга кирмоқчи бўлса браузер манзил қаторига киритади.

Таъкидлаш керакки, URL ва домен номи — бир хил тушунчалар эмас. Дейлик, домен номи сайтнинг аниқ номини акс эттирса (масалан, [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)) URL сайтнинг алоҳида саҳифалари (<http://xabar.uz/uz/news/telecom/1420/>)ни ҳам аниқлатади.

Доменнинг қайси ҳудудга жойлаштирилиши муҳим жиҳатлардан бири. Масалан, тижорий сайтлар (.com), ташкилотлар (.org), таълим соҳаси (.edu) учун алоҳида зоналар мавжуд. Миллий ҳудудлар эса одатда мамлакатлар номларининг қисқартмаларидан олинади: .us (USA/АҚШ), .de (Deutschland/Германия), .ru (Russia/Россия). Мамлакатимиз сайтлари эса .uz (Uzbekistan/Ўзбекистон) миллий домен зонасидан ўрин олган.

Домен номи қисқа, имло хато-ларисиз, чиқиқчалардан холи, ёзишга осон, тез эсда қоладиган бўлиши лозим. Яна тақдорлаймиз, сайт номи унинг моҳияти билан тўлиқ мос келиши жуда муҳим, акс ҳолда фойдаланувчи чалғиши, сайтингизга "йўл топа олмаслиги" мумкин.

Мамлакатимиз интернет ҳудудидаги ишлаб турган айрим доменлар мисолида бунга амин бўлиш мумкин:

**Қудай номлар:** [afisha.uz](http://afisha.uz), [sports.uz](http://sports.uz), [kinozal.uz](http://kinozal.uz), [mp3.uz](http://mp3.uz)

## ДОМЕН НОМИ у қандай бўлиши керак?



**Ноқудай номлар:** [trb.dst.uz](http://trb.dst.uz), [android.musictop.uz](http://android.musictop.uz), [uzpharmsanoat.uz](http://uzpharmsanoat.uz) (Ўзбекча-инглиз-

ча сўз қурилмаси)

Компания, фирма, корхона, ўқув юрти, нашр сайти унинг номи билан мос келгани яхши: [google.com](http://google.com) (интернет-қидирув тизими), [meteo.uz](http://meteo.uz) (гидрометеорология хизмати), [samdu.uz](http://samdu.uz) (СамДУ), [xabar.uz](http://xabar.uz) ("Xabar" газетаси).

Мавзули сайтга эса йўналишидан келиб чиқиб ном танланади: [kutubxona.com](http://kutubxona.com) (Ўзбек ва чет эл адабиёти), [muloqot.uz](http://muloqot.uz) (ижтимоий тармоқ), [stadion.uz](http://stadion.uz) (футбол мавзуси).


Деярли ҳар бир хостинг-провайдер сайтида махсус жой бўлиб, унда ўзингизга керакли домен номи банд қилинган-қилинмаганлигини текшириб кўришингиз мумкин. У сайтингизга ном танлашингизда маёқ вазифасини ўтайди.

Мабодо миллий даражадан халқаро миқёсга чиқмоқчи бўлсангиз, бира тўла бир нечта

домен зоналарида рўйхатдан ўтиб қўйсангиз ҳам зарар қилмайсиз.

Албатта, бугунги кунда қисқа ва тушунарли сўзлардан янги домен номини шакллантиришнинг ўзи мушкул масала. Негаки, ўзбек тили лугатидаги асосий маъноларни англатувчи сўзлар деярли банд этиб бўлинган, ҳатто айрим компания ва ташкилотлар ўз номи ёки фаолиятига доир сайтларни очишда қийинчиликларга дуч келишапти. Аммо, айтишадилар: "Қаловини топса — қор ҳам ёнади". Излаш, ўрганиш керак. Тилимизнинг имкониятлари кенглигини буюк Навоий қачонлардир исботлаб кетган. Ҳар не бўлганда ҳам она тилимиздаги, чиройли номлардаги, мазмунли, жозибали сайтлар кўпайиши тавафдоримиз.

### ПОЧТА: воқеалар, фактлар, одамлар



#### Тежамкор инглизлар

XIX асрда Англияда жўна-тилаётган почта хат-хабарларидан хизмат ҳақи хатнинг варақлари сонига қараб олинган. Шу боисдан кўплар, иқтисод қилиш мақсадида, мактубларни хат-жилдсиз юборишган — почта манзили варақнинг тескари томонига ёзилган. Янаям тежамкорлар эса, матнни кўпроқ сиғдириш мақсадида, "кундаланг ёзиш" усулига қўл уришган, яъни бир варақ тўлган, қоғоз даражага бурилиб, хат давом эттирилган. Ҳарфлар чап-лашиб кетмаслиги учун икки хил тусдаги сиеҳдан фойдаланишган.

#### Тадбиркорнинг ҳийласи

Америка почтаси мамлакат бўйлаб жўнатмалар хизматини 1913 йили йўлга қўйган. Оралдан уч йил ўтиб, Юта шtatининг Вернел шаҳрида яшовчи бир тадбиркор қурилиш материалларини узоқ масофаларга элтишнинг энг арзон усули почта эканини пайқаб қолади. У шу тарихга ўзи яшайдиган шаҳарда банк биносини қуриш учун 676 километр узоқликда туриб 80 мингта қадокланган гиштни жўнатма шаклида бўлиб-бўлиб юборишга муваффақ бўлади. Почта шундан сўнг бир киши учун кундузи юбориладиган жўнатмалар лимитини 91 килограмм чегарасидаги лимит билан мустаҳкамлаб қўйди.

#### Ҳунардан унар

Рассом Владислав Ковал Моквада таҳсил олиб юрган кезлари ота-онасига тез-тез мактуб йўллаб турган. Қизиги, у хатжилдга маркаларни ёпиштирмаган, балки чизган ва бу хатлар манзилга эсон-омон етиб борган. Почта вазирилиги янги почта маркалари учун танлов эълон қилганда Ковал ташкилотчиларга ўзининг бир даста хатжилдларини тақдим этади ва ғолибликка эришади.



#### Маркалар ватани

Маълумки, халқаро почта қонун-қоидалари-га мувофиқ, ҳар бир маркада уни чиқарган мамлакат номи лотин ҳарфларида қайд этилиши шарт. Мабодо мамлақати номи кўрсатилмаган маркани учратиб қолсангиз ажабланманг, бу марка Буюк Британияда тайёрланган. Буюк Британия маркалардан биринчи марта фойдаланган давлат сифатида юқоридаги мажбуриятдан озод этилган.

#### Немисча топқирлик

Германиянинг Вуппертал шаҳридаги музейлардан бирида бир неча минглаб откреткалардан ташкил топган коллекция бор. Откреткалардаги суратда бир хил манзара акс эттирилган, аммо уларга турли мамлакатларнинг маркалари ёпиштирилган. Гап шундаки, музей ходимлари ҳар бир ташриф буюрувчи меҳмонга тоза откретка беришди ва ватанига қайтганидан сўнг уни қайтариб жўнатишини илтимос қилишди.

Собит АҲАДОВ



Суратда:  
**Ёрқин ҒАҒУРОВ**  
 ҳаммаси **Алексей КИМ**  
 билан иш устида.

Кассаларимиз ёшларни дуо қилиш учун қўл очар эканлар, кўпинча "Ҳаётда ўз ўринини топиб яшаш бахти насиб этсин", дея тилак билдиришади. Бу бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам ёшлиқнинг ўт-олов кунларини ҳавойи нафс йўлида сарфламастан, аксинча, унинг ҳар бир дақиқасидан ғўшма фойдаланиб, ўқиган, бирор касбнинг бошини тутиб, касби орқали ризқ топаётган инсонларни ҳаётда омади чопанлардан деса, бўлади.

## МУҲАНДИС

Бундай инсонлар одамлар орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлишди, ҳурмат қозонишди. "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали лойиҳаларни ривожлантириш, техник амалга ошириш, техник ҳисоб ва назорат бўлими 1-тоифали мутахассиси Ёрқин ҒАҒУРОВ ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб, обрўга эришаётганлардан бири. Унинг бу ерда меҳнат қилаётганига анча йиллар бўлди.

1985 йили ўрта мактабни тамомлаган Ёрқин Тошкент Давлат университетининг тарих факултетига ўқишга кириб, муаллимлик касбини эгаллашни дилга туккан эди. Лекин ҳужжатлари тайёр бўлгани ҳолда у ўқишни кейинга қолдириб, армия хизматига жўнади. Мақсади йигитлик бурчини бажариш асносида турмушнинг аччиқ-чучук томонларини кўриш, ҳаётий тажриба орттириш эди. Хабаровск ўлкасида хизматни бошлар экан, унга алоқачиликдек масъулиятли вазифа топширилди. Икки йил давомида бу касбнинг сир-асрорларини пухта ўрганди.

— Армия хизматидан қайтиб, ёшлиқдаги орзуимни амалга ошириш мақсадида ТошДУнинг тарих факултетига ўқишга кирдим, — дейди Ёрқин Ғафуров. — Ўқишимни тугатгач, "Шарқ"

нашриёт-матбаа концернига монтаж бўлиб ишга жойлашдим. Бу вазифани мен бажонидил қабул қилиб олдим. Сабаби, икки йиллик армия хизматида бажарган ишим умр йўлимни белгиллаган эди. Менга алоқачиликдан бошқа касб, неча йил, қаерда ўқишимдан қатъи назар, бегона бўлишини ҳис этдим. Концерндагилар билгим ва тажрибамни, ишга бўлган иштиёқимни кўриб, аввал муҳандислик, кейинчалик алоқа бўлими бошлиғи вазифасини топширишди. Мана, 2009 йилдан бери "БРМ" филиалида фаолият юритяпман. Бошқача айтганда, балиқ сувда сузиб яйрагани каби алоқачилик соҳасида яйраб ишлаяпман.

Касбнинг фидойиси бўлган Ёрқин Ғафуровга тармоқдаги қурилмалар техник ҳисобини юритиш, "Биллинг" тизими мониторингини олиб бориш, янгидан-янги истиқболли лойиҳалар тайёрлаб, турли янгиликлар киритишдек муҳим ишлар топширилган. Ёрқин бу вазифани тўлиқ адо этяпти. Шунинг учун ҳам у филиалда ўзининг муносиб ўрнини эга. Ўз устида тинмай изланувчи, ўқиб-ўрганишдан, соҳадаги ҳар бир янгиликни ўзлаштиришдан чарчамайдиган соҳа фидойиси ишларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишди филиалда.

Ёрқиннинг кўпчилик ёшлар ҳавас қиладиган яна бир жиҳати — ажойиб оиласи бор. Рафиқаси Даря билан биргаликда икки нафар қизалоғига чиройли тарбия беришга ҳаракат қилишяпти, уларни эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишини исташяпти.

Биз ҳам Ёрқиннинг эзгу орзулари амалга ошишига тилакдошимиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

**Менга алоқачиликдан бошқа касб, неча йил, қаерда ўқишимдан қатъи назар, бегона бўлишини ҳис этдим.**

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1 боб, 2-модда.

Мустақиллик республикамиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўз меъдаларини бермоқда. Жаҳон миқёсидаги халқаро спорт мусобақаларида, компьютерга доир интеллектуал куч синашларда, адабиёт ва санъат соҳасида Ўзбекистонимизнинг иқтидорли йигит-қизлари ғалаба шохсупаларига кўтарилиб, қатор-қатор олтин, кумуш медалларга сазовор бўлиб, юртимиз шарафини дунёга таратмоқдалар.

## Интиланганга толе ёр

Хукумат қарорлари, Президентимиз ташаббуси билан олий ўқув юртлири иқтидорли талабаларига номдор стипендиялар таъсис этилиши келажакда жаҳон миқёсидаги ғалабаларнинг пойдевори десак янглишмаймиз.

Бизнинг Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали иқтидорли талабалари ҳам юқоридаги каби мақтовли ютуқларга эришмоқдалар.

2014-2015 ўқув йили учун эълон қилинган Беруний номидаги давлат стипендияси танловларида қатнашган номзодлар ичида икки талабамизнинг танлаб олинishi филиалда маданий-маърифий, ўқиш-ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Компютер инжиниринги факултети, информатика ва ахборот технологиялари йўналиши 611-11-гуруҳ талабаси Авазбек Каримов ҳамда телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети, телекоммуникация йўналиши 631-11-гуруҳ талабаси Хуршида Солиевалар ушбу стипендияга сазовор бўлишди.

Авазбек факултет маданий-маърифий ҳаётида фаол қатнашди, тенгдошларига ўрнак. Айни вақтда доцент Н.Тўраев раҳбарлигида "Ахборот оқими ва унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари" мавзуда илмий тадқиқот олиб борапти.

Хуршида Солиева эса спортда, ўқишда, илмда ҳаммага ўрнак. Унинг оптик электрон қурилма орқали намликни ўлчашга доир илмий тадқиқоти тажрибали ўқитувчи Н.Жўраев раҳбарлигида ўзининг дастлабки натижаларини бериб, кўпчиликни қўйил қолдирди.

Интиланганга толе ёр, дейди халқимиз. Беруний стипендиялари — Хуршида Солиева, Авазбек Каримовлар келажакда юртимизнинг олим кишилари бўлиб етишишларига, Ватанимиз равнақи йўлида самарали хизмат қилишларига ишонамиз.

**Б.ТОЛИПОВ,**  
 ТАТУ Фарғона филиали  
 маънавий-маърифий ишлар  
 бўйича директор ўринбосари

## Касбини улуғлаб

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали СЎХ тумани телекоммуникациялар боғламасида камтарона меҳнатлари орқали ҳурмат-эътибор қозониб келётган фидойилар кўпчилигини ташкил қилади. Шунлардан бири Алишер ТОШТЕМИРОВдир.

Усалкам 37 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб, устозлари Бобожалил Жумаев ҳамда Риштон тумани алоқа тармоғи собиқ бошлиғи Ўктамжон Усмоновлар таълимини олган. Уларнинг берган маслаҳат, йўл-йўриқларига амал қилиб, олдида қўйган вазифаларни бекаму кўст бажаришга, улар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилди.

Меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёшларга электромонтёрлик, кабел пайвандлаш сир-асрорини ўргатиб, ўзининг яхши фазилатларини намоён қилди.

Бугунги кунда устозлари изидан бораётган кабел-пайвандловчи Восит Қобилов, электромонтёр Абдусалим Набиевлар мижозлар хизматига астойдил бел боғлашган.

Жорий йилдан бошлаб Алишер Тоштемиров боғлама ишлаб чиқариш бўлиминин бошқариб келяпти. Соҳа фидойиси хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, линия кабелларидаги носозликларни бартараф этиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Асқарбек АНБАРЖОНОВ**  
 Фарғона вилояти




Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Шаҳарда бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда алоқа соҳасида ҳам ўзгаришлар кўчага ташланади. Бу ҳақда "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Акрам ЗАЙИТДИНОВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

# БУНЁДКОРЛИК

Бугун Шаҳрисабзда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушасиз



Суратда: Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси ходимлари.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 февралдаги "Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан бошланган қурилиш ишларида шаҳрисабзлик алоқачилар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Олиб борилётган реконструкция ва қурилиш жараёни олдимишга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Негаки, янги объектлар, янги аҳоли турар-жой масканларида алоқа қурилмалари ўрнатиш лозим бўлади. Мазкур қарор ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 64-буйруғи юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Китоб-Шаҳрисабз оралиғидаги 4Л23 автомобил йўлининг кенгайтириш сабабли алоқа телефон каналлашаси ва ҳаво линиялари кўчириш, 15 километрлик масофага икки каналли телефон каналлашасини қуриш, 11,9 километр масофадаги линия кабелларини демонтаж қилиш, қайта ётқизиш, тарқатиш шкафларини демонтаж қилиш, шаҳарнинг Ипак йўли кўчасида жойлашган MSAN-5 ЭАТС биносининг фасад қисмини капитал таъмирлаш,

янги қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар, болалар боғчаси ва бошқа объектларда телекоммуникация тармоғини қуриш, 27 километр масофага ОТАЛ ётқизиш, сайёҳлар учун Wi-Fi зонасини яратиш, 7,3 км масофага икки каналли телефон каналлашасини қуриш ва кабел ётқизиш ишлари белгилаб олинган эди. Айни кунда бу борада бир километр масофадаги ер ости қувурларидан ТПП 200x2 кабеллари олинди. Бир неча километр масофада полиэтилен қувурлари ётқизилди. Шаҳрисабз иқтисодиёт коллежи биносидан MSAN ZXDSL 9806H қурилмаси ўрнатилиб, монтаж ишлари амалга оширилди. "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали томонидан Шаҳрисабз шаҳрига Wi-Fi зонасини ташкил этиш мақсадида сигнал қамров ҳудудлари белгиланиб, ускуналарни ўрнатишга бинолар танланди. Ускуналарнинг турлари ва сонлари, ўрнатиш тизимлари ва техник ҳолатлари юзасидан топшириқлар ишлаб чиқилди. Шаҳардаги "Китоб" темирйўл вокзали, "Шаҳрисабз" меҳмонхонаси, Алоқа уйи, Амир Темури музейи, Оқсарой, Кўк гумбаз, Дорус Саодат каби мажмуаларда ускуналарни ўрнатиш учун алоҳида танлов эълон қилинган.

Қарорда замонавий кўп қаватли уйлар, янги маҳалла гузарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар қурилиши, мавжудларининг реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Вилоятимиз алоқачилари олдида мана шу масканларда ҳам алоқа хизматини жорий этишдек масъулиятли вазифалар турибди. Жумладан, Ипак йўли кўчасидаги "Наврўз" маданият ва истироҳат боғида 2014-2016 йилларда 1 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Амир Темури майдонида жойлашган маданият ва санъат саройида реконструкция ишлари жорий йил ниҳоясига етказилди.

Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламасида 26та АТС мавжуд бўлиб, шулардан 12таси шаҳар, 14таси эса қишлоқ телефон тармоғини ташкил этади. Шаҳардаги 11та АТС 2013 йилнинг август-сентябр ойларида маҳаллий телекоммуникация тармоғини NGN технологияси асосида модернизация қилиш доирасида ишга туширилган эди. Уларнинг умумий монтаж сизими 11200 абонентга мўлжалланган бўлиб, 3328 интернет портига эга. Бу дегани 3328 абонент кенг полосали интернет хизматидан фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда

9965 нафар абонент алоқа хизматидан фойдаланиб, шундан 1460 нафари юқори тезликдаги интернет хизматига уланган. Олдимишдаги вазифалардан энг асосийси қайта қурилиш ишлари олиб борилиши сабабли йўқотилган абонентларни тиклаш, MSAN станцияларини ўрнатишдир. Жорий йилнинг тўққиз ойи натижаларига кўра, 575 нафар абонент кенг полосали интернет хизматидан, 226 нафар абонент интерактив телевидение хизматидан фойдаланмоқда. Боғламада техник-сервис хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. 6360 нафар абонент 12006та қўшимча хизмат турларидан фойдаланяпти. 605 дона CDMA-450 аппаратлари сотуви амалга оширилди.

Юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ишларда вилоятимиз алоқачилари пешқадамлардан бўлишига ишонаман.

Афтондия ИСМОИЛОВ  
ёзиб олди

## Давр талаби

Корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган кадрлар ишига маъсул ходимларнинг билим ва малакасини ошириш, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш, улар иш фаолиятини янада такомиллаштириш, меҳнат қонучилигига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалардан боқабар этиб бориш бугунги кўннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шунинг учун ҳам "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида бу масалага жиддий аҳамият берилляпти — компания раҳбарининг тегишли буйруғи асосида жойларда кадрлар билан ишловчи ходимларнинг билим ва малакасини оширишга бағишланган ўқув семинарлари ўтказилляпти. Ана шундай машғулот 21-24 октябр кунлари "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалида ҳам ташкил этилди.

— Ўқув семинаримизда вилоятлардаги мавжуд ўн та боғламада иш олиб бораётган кадрлар иши учун маъсул ходимлар иштирок этишди. — дейди филиалнинг Кадрлар билан ишлаш ва малакасини ошириш бўлими бошлиғи Қахрамон Саримсоқов. — Машғулотларни ташкил этишга юқори билим ва малакага эга, етук мутахассислар жалб этилди.



Шунингдек, муҳандис техник ходимларимиз "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали ҳамда бошқа ўқув марказларида ва корхонанинг ўзида ташкил этилаётган ўқув курсларида малакаларини мунтазам равишда ошириб боришяпти. Бу соҳада олиб борилётган кенг қўламли ислохотларнинг жаддалашуви, ахборот-коммуникация технологиялари ривожига хизмат қилляпти.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда "ТПГ" филиали жами 46 нафар соҳага оид касб-ҳунар коллежи битирувчисини иш билан таъминлади ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, керакли шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, филиалдаги етук мутахассислар устоз-шоғирд аъёнасига мувофиқ битирувчиларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатиш бўйича амалий ишларни олиб боришяпти.

Ўз мухбиримиз

Компютерлар ҳар бир хонадонга кириб борган бугунги кунда фарзанд тарбиясида ота-оналарга ҳар доимгидан кўпроқ масъулият юкланиши табиий. Чунки бугунги кун болалари компютерлар билан қадам-бақадам улғайишяпти. Болажонларни тараққийт мўъжизаси бўлган компютердан айро тарбиялаш, уларни турли онлайн ўйинлар ўйнашдан четлатиш имконсизлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин, бу замон зайида, деб болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам катта хато, айниқса, видеоўйинларга бўлган завқ-шавқ ҳисси ҳақида гап кетаётганда. Ҳўш, нима қилиш керак?

Америкалик мутахассисларнинг фикрларига қараганда, муаммодан қутилиш йўли бор. Уларнинг айтишича, ҳар бир бола, шубҳасиз, ўзига хос характерга эга. Шу сабабли, биринчи навбатда, ўз фарзандингизни иложи борича яхшироқ ўрганишингиз зарур. Шундагина фарзандингиз ўйинга боғланиб қолмаслиги учун нима қилиш лозимлигини тушуниб етасиз. Демак:

**1.** Ўйин — боланинг ақлий ривожланиши усулларидан бўлиб, уни тарбиянинг муқобил йўлларида бири сифатида баҳолаша бўлади.

Болаларингизга ҳар тарафдан тўсиқ қўйиб ташлашга уринманг, фақатгина бу борада улардан бохабар бўлишга ҳаракат қилинг, деб маслаҳат беради видеоўйинлар борасида йирик маълумотлар манбаининг рақамли муҳаррири Кэролайн Норр.

Кунгилоҳар дастурлар таъминотини баҳолаш кенгаши (ESRB) қошида ўйин қурilmалари ва шахсий компютерлар учун ота-оналар назоратини ўрнатилиш бўйича гид борлиги кўпчиликка маълум эмас. Қўлланмадан фойдаланиш жуда осон, шу боис келгусида фарзандингиз сиз йўқ бўлган пайтда М белгили (катталар учун: 17+) ўйинларни уйнамаётганлигига амин бўласиз.

**2.** Геймерга яхши ота-она бўлиш учун унга қўшилиб ўйнаш керак. Кэролайн Норр шунга таъкидлайди: "Бизнинг рақамли асримиз фарзандларингизни интилувчан бўлишига ёрдам беради. Ойлангиз учун ўз дунёқарашингизга тўғри келадиган ўйинларни танлашга уриниб кўринг. Масалан, қаҳрамонлик белгилари кучли персонажлар иштирок этган ўйинларни".

"Болаларингиз билан ҳамкорликда ўйнашга имкон берадиган янгиликларни қидириб кўринг, — дея қўшимча қилади у. — Ўйиннинг номланишига эътибор қаратинг, унда зўравонлик белгилари бўлмасин, дастурнинг ўзи эса таълим хусусиятга

эга ёки фарзандингизнинг қўшимча қизиқишларига хизмат қиладиган бўлсин. Масалан, фантазия жанридаги ёки спорт мусобақаси тарзидаги ўйинлар тўғри келади".

**3.** Видеоўйинлар учун чекланган вақт ажратинг. Компютер олдида ўтказилган вақтнинг аниқ меъёрини белгиланг, бола нима учун бундай қилинганини тушуниб етишига эришинг. Ўйин қурilmасини ҳар доим унинг хонасига қўйманг, яхшиси бола қандай ўйин уйнаётганини ўзингиз назорат қила оладиган жойда тургани маъқул. "Яна гўдакни видеоўйинларга жуда эрта одадантириб қўйиш хавфи ҳам мавжуд, — дейди Норр. — Бола ривожланаётган даврда у ташқи дунё билан фаол мулоқотга киришиши, ундан таъсирланиши жуда муҳим. Кун бўйи экран ёки монитор олдида ўтирган бола ташқи дунёдан ажралиб қолади". Мутахассислар олти ёшгача бўлган болаларнинг видеоўйинларга берилишини умуман тавсия этишмайди.

**4.** Онлайн ўйинлар эса яққол кўриниб турган хавф-хатар ҳисобланади. Бу ерда баъзи нарсаларга алоҳида эътибор талаб этилади. "Мен онлайн ўйинларининг камчилиги уларда зўравонлик элементларининг мавжудлиги билан боғлиқ, деб ҳисобламайман. Бу ерда гап болалар онгига ёмон таъсир қиладиган салбий, носоғлом муҳит ҳақида кет-

моқда, — деб тушунтиради Норр. — Ўйлашимча, муаммо — онлайн-ўйинларнинг анонимлигида, эгасизлик эса охир-оқибат тошбағирликка олиб келади. Натижада болада раҳмдиллик хислати тўла ривожланмайди. Бу хислат эса ижтимоий ривожланишда муҳим ўрин тутати".

Шу сабабли 12 ёшдан кичик болага онлайн-ўйинлар бугунлай тақиқланган. Ёши каттароқ болаларга назорат қилинадиган онлайн-ўйинларга руҳсат бериш мумкин, лекин фақат сизнинг қондангиз асосида: яъни ўйинчилар орасида ҳеч қандай беҳаё гаплар, ҳеч қанақа ёвузликлар ва таҳқирлашлар бўлмаслиги керак.

Болаларга шундай йўл-йўриқ кўрсатилиши керакки, улар онлайнда қандай ҳаракат қилса ёки ўзини тутса, реал ҳаётда ҳам шундай тутишлари лозим. "Виртуал реалликдаги номаълум шахсининг зўравонлиги, бола учун худди шунга ўхшаш инсон билан кўчада дуч келгани каби нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин".

Акс ҳолда зиддият пайдо бўлади: сиз ўғлингиз ёки қизингизга ноъмалум шахслар билан гаплашмаслик кераклигини ўқтирасиз, онлайн-ўйинларда улар бегоналарнинг бутун бошли жамоаси билан ҳамкорлик қилишларига тўғри келади. Ёмон сўзларни гапиришни тақиқлайсиз, улар эса ўйин жараёнида том маънода бутунлай номақбул сўзлашувлар оқимиға тушиб қолишади. Бундан ташқари, бола наушникдан фойдаланганида ёки чатда ёзишмаларни амалга ошираётганда яна бир муаммо пайдо бўлади: фарзандингиз бошқа

ўйинчилар билан қандай гаплашаётганини билишингиз ва тушунишингиз қийинлашади.

**5.** Ҳеч қачон компютер ўйинларининг салбий таъсирига эътиборсиз бўлманг. Ўйинларда меъёрнинг бўлмаслиги шубҳасиз мия фаолиятига зарарли таъсир кўрсатади. Сизнинг гўдагингиз тажовузор бўлиб қолиши ёки виртуал ўйин қулига айланishi ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар сиз ҳатто кичик хавфли аломатни ҳам сезиб қолгудек бўлсангиз, шу заҳоти зарур чораларни қўланг.

Ўйинга боғланиб қолиш белгилари: агар сиз ўйнашни тақиқлаб қўйсангиз, боланинг кайфияти бузилади, унинг руҳи тушиб кетади, гандиб қолади, уй бўйлаб мақсадсиз изғийди. Компютер олдида тинимсиз ўтириш истаги унинг ўқишига, атрофдагилар билан мулоқотга киришишига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, руҳшунослар ушбу муҳим фактга эътиборни қаратадилар: видеоўйинларга боғланиб қолиш ҳодисаси камдан-кам ҳолларда мустақил, ажралган муаммо сифатида рўй беради. Ўз фарзандингизни назорат қилиш жараёнида соғлом фикр қонунларини қўллашга ҳаракат қилинг. Ўйинга боғланиб қолиш бу ўз-ўзидан келиб чиқадиган одат эмас, балки бошқа муаммоларнинг оқибатидир. Яқинлар билан, синфдошлар билан ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилмаса, қачон болада ўз-ўзига баҳо бериши пасайиб кетса, ушбу салбий ҳолат шаклланади...

Шу сабабли бу борада озгина нохушлик белгилари учрай бошласа ҳам руҳшуноста мурожаат қилганингиз муқул. Ўз фарзандларингизни эътиборсиз ва қўллаб-қувватловсиз қолдирманг!

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

## Табриклиймиз!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва касоба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими I-тонфали муҳандиси Артигай ҲАЙИТОВАни 50 ёши билан самний табриклиди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Равон ПАТ ходими Олиммамад МИРЗАБЕКОВни 60 ёши, Данғара ПАТ ходими Мирзали ЭРҒАШЕВни 55 ёши билан чин юракдан табриклиди. Уларга соғ-омонликда фарзандлари бахти-камолини кўриб яшашни тилайди.

## ООО "САМИНТЕХКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

- Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).
- Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой.  
Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г.Самарканд.

Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35. Свидетельство №04558



## ИНЧЕОН-2014

**Ж**анубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилаётган Параоисё ўйинларида мардонавор спортчиларимиз зафарли юришларини давом эттиришяпти.

Кеча энгил атлетиканинг 200 ва 800 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз яна 2та олтин, 1та кумуш ва 1та бронза медалини қўлга киритдилар.

200 метр масофага югуриш (Т 13)да Ф.Ҳамроев олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир олтин медални 800 метр масофага (Т 46) югуришда иштирок этган М.Муродиллаев қўлга киритди. Ҳамюртимиз, шунингдек, Параоисё ўйинлари рекордини ҳам янгилашга муваффақ бўлди.

Бир кун олдинги мусобақаларда дзюдочиларимиз ўзларини кўрсатишди. Ш.Бобоев (-90 кг.) япониялик А.Китазонони, О.Тулендибоев (+100 кг.) эронлик Ҳ.Надрини мағлубиятга учратиб олтин медаллар соҳибига айланишди.

Ш.Шарипов (-100 кг.) бронза медал билан, қизлар ўртасидаги баҳсда Г.Раҳимова (70 кг.) кумуш медал билан тақдирланишди.

Делегациямиз аъзолари 20 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медал билан мусобақада умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринда боришяпти.



Ш.БОБОЕВ

## E'LON

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2014 йил 26 ноябр куни соат 12.00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига "Камолот" марказий кенгаши балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилади: 2004 йил и/ч "Ласетти" русумли д/р 01/960ZBA бошланғич баҳоси — 21 750 000 сўм, 1997 йил и/ч "Тико" русумли д/р 01/967LCA бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм, 1993 йил и/ч "ГА3-31029" русумли д/р 01/966LCA бошланғич баҳоси — 3 200 000 сўм, 2004 йил и/ч "Матиз" русумли д/р 01/958ZBA бошланғич баҳоси — 11 300 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизи миқдориди закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион голиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5 фоизи миқдориди комиссия йиғим тўланади.

2014 йил 26 ноябр куни соат 15.00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилади: 2000 йил и/ч "Миди-бус" м2912 русумли д/р 01/754WBA бошланғич баҳоси — 29 192 000 сўм ҳамда 2009 йил и/ч "ЕРИСА" русумли д/р 01/862EDA бошланғич баҳоси — 37 390 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдориди закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион голиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 2,5 фоизи миқдориди комиссия йиғим тўланади.

Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур автомашиналар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 3, 10, 17 декабр кунлари тегишли соатларида ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пули тўловларини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг ХОАТБ "InfinBANK" банкдаги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топиришлари керак: жисмоний (юрдик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар ва закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (8595) 177-96-74.  
Гувоҳнома № 005148

## ДЗЮДО

**П**ойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумга кирувчи халқаро турнир яқунланди.

Нуфузли турнирда 42 давлатдан 280 нафардан зиёд полвон иштирок этди.

Икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Р.Собиров мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Полвонларимиздан Д.Ўрозбоев ва Я.Имомов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Ш.Собиров, Р.Саидов, Э.Машиаров бронза медаллар билан тақдирланишди.

Мамлакатимиз терма жамоаси умумжамоа ҳисобиди учинчи ўринни эгаллади.



## ФУТБОЛ

**Р**ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон U-19 ёшлар терма жамоаси Мянмада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ярим финалгача етиб бориб, келаси йили Янги Зеландияда ўтказиладиган U-20 ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

Дастлаб БАА, Австралия ва Индонезия вакилларига қарши тўп сурган ёшларимиз гуруҳ босқичини иккинчи ўринда яқунлашди ва чорак финалда Таиланд ёшлар терма жамоаси устидан галаба қозониб, ярим финалда йўл олишди. Ярим финал баҳсида эса Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси КХДР ёшлар терма жамоасига мағлубиятга учради.



## ШАХМАТ

**Т**ошкентда FIDE Гран-присининг иккинчи босқичи бошланди.

Ҳалики учун баҳсларда замонамизнинг таниқли шахматчиларидан Ф.Каруана, А.Гири, Х.Накамура, Б.Гелфанд, Ш.Мамедъяров, Т.Ражабов, С.Карякин, М.Вачер-Лаграв, Д.Андрейкин, Б.Жобав, Д.Яковенко ва ҳамюртимиз Р.Қосимжонов қатнашади.



## ТЕННИС

**Ш**вейцариянинг Базел шаҳрида мукофот жамғармаси 1 915 060 еврога тенг Swiss indoors Basel турнири давом этяпти. Мусобақаларнинг беш қарра чемпиони Рожер Федерер илк учрашувида Жил Мюллерга бор-йўғи учта геймни тортиқ этган.

Ҳамюртимиз Денис Истоминон эса полшалик Ежи Яновични 6:1, 6:1 ҳисобларида ютди.

Кеча ҳамюртимиз Рожер Федерерга қарши кортта чиқди.



## QILMISH — QIDIRMISH

**Ноқонуний дисклар савдосига чек қўйилди**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий давлат солиқ инспекциялари томонидан ноқонуний маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича тизимли назорат тадбирлари олиб борилмоқда.**

Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонунобузарларга нисбатан чора кўрилиши таъминланяпти. Қўмита расмий сайтдан олинган хабарга қараганда, 2014 йилнинг ўтган даврида Фарғона вилояти ҳудудидида ўтказилган тадбирларда 197 нафар шахс ҳокимият ва солиқ органларидан рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётгани аниқланган. Натижада улардан умумий қиймати 1 млн. 416 минг сўмлик 103 минг 285 дона аудио-видео кассеталар, турли русумли лазер дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қойлабузарлик содир этган 171 нафар "устамон"га суд идоралари томонидан маъмурий тартибда жарималар қўлланилди ва ундириб олинди. Ҳозирда 19та текшириш ҳужжати бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.



IBRAT

# Ўргатиб бўлмайдиган илм

Басра шаҳрида бир киши бор-будини ёлғизгина ўғлининг яхши таълим-тарбия олиши учун сарфлар экан. Ёш йигит неча йиллар мобайнида номдор илм даргоҳларида энг машҳур устозлардан таълим олибди.

Ниҳоят, бола уйга қайтибди. Кексайиб қолган отаси унга пешвоз чиқибди, ўғлининг кўзларига тикилиб, кўнгли тўлмабди ва:

— Ўғлим, нималарни ўргандинг? — деб сўрабди.

— Отажон, ўргатилиши мумкин бўлган барча нарсани ўргандим, — деб жавоб қилибди ўғил.

— Лекин ўғлим, сен ўргатиб бўлмайдиган нарсани ҳам ўргандингми? Бор, ўргатиб бўлмайдиган нарсани ўрганиб кел, — деб ота уни ортга қайтарибди.

Йигит устозининг ёнига қайтиб, отасининг талабини айтибди. Шунда устози жавоб ўрнида:

— Мана бу тўрт юз кўйни олгин-да, сони то мингтага етгунча тоғларда яша, — дебди.

Йигит кўйларни олиб тоғлар бағрида чўпонлик қила бошлабди. У ҳаётида биринчи марта сокинликка дуч келибди. Ҳеч суҳбатдош тополмай сиқилган

вақтларида кўйларга гапирар, улар борлигидан ҳам таскин оладиган бўлибди. Йигит секин-аста ўзидаги "мен"ни, манманликни, гурурни унута бошлабди... Бора-бора сокин ва хокисор инсонга айланибди. Унда сабрлилик ва донишмандлик белгилари пайдо бўлибди.

Орадан икки йил ўтиб кўйларнинг сони мингтага етгач, у устозининг ёнига қайтиб бориб ҳурмат билан таъзим қилибди. Шунда устози:

— Мана энди ўргатиб бўлмайдиган нарсани ҳам ўргандинг, — дебди.

## Бахт ўлчови...

Қадим замонларда бир йўловчи нотаиш шаҳарга келиб қолибди. Ва бу шаҳар унга ҳар томонлама ёқибди, токи у шаҳар мазорига бормагунча қадар. Қабрлар тепаларидаги тошларнинг ёзувлари ғалати экан. Уларга кўра, марҳумлар ёруғ оламда жуда кам вақт: бир, икки, уч йил яшаган эканлар, лекин тўрт йилдан ошиқ эмас.

— Наҳотки, буларнинг бари гўдакларнинг қабрлари бўлса?, — ваҳимага турибди йўлов-

чи. Лекин гўрков унинг ваҳимасини ёйиб ташлабди. — Йўқ, ҳурматли йўловчи, — дебди у, — тошларнинг остида ёши улуг одамлар ётибдилар. Уларнинг кўплари анча йиллар яшаганлар. Фақат шаҳримизда бир одат бор: ҳар бир янги туғилган чақалоққа биз дафтар ҳаля этамиз. У ўша дафтарга ўзининг бахтли утказган кунлари сонини ёзиб бориши учун. Ва одам оламдан кўз юмганидан сўнг, уларнинг мазор тошларига яшаб ўтган бахтли кунларининг сонини ёзиб қўямиз...

## BRENDOMANIYA

Wikipedia. Интернетдаги энг йирик бу энциклопедия расмий логотипининг глобус шаклидалиги унинг бутун Ер шарини қамраб олишини, мозаикаларда жойлаштирилган ҳарфлар эса турли тилларда эканини англатади. Глобус якунига етказилмаган, бўш жойлар атайин қолдирилган: бу эса яна бошқа тиллар қўшилиши, сайт ўсишда ва кенгайишда давом этишидан далолат.



## BU — QIZIQ!



## Pico-Falcon —

ЭНГ КИЧИК  
РАДИОБОШҚАРУВЛИ ВЕРТОЛЁТ

Bandai Япония компанияси митти мўжиза — корпусининг узунлиги 4,6 мм. ва оғирлиги 9 грамм бўлган Pico-Falcon RC-вертолётини чиқариш арафасида. Бир йил аввал Bandai 6,5 мм. узунликдаги ва оғирлиги 11 грамм бўлган вертолётини чиқариб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганди.

## XALQ TAVOVATI

### ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!

Юрак танамиздаги бетиним ишлайдиган ягона орган ҳисобланади. Шундай экан, юрагимиз ҳақида алоҳида қайғурмоғимиз лозим. Мутахассисларнинг фикрича, қуйидаги маҳсулотлар юракка қувват бағишлар экан.

### СОЯ

Қондаги холестерин миқдорини камайтиради. Нонуштада сули бўтқасини айнаан соя ёғи билан ёйиш кони фойда. Лекин соя маҳсулотларида тузни камроқ ишлатган маъқул.

### ОЛМА

Таркибида кварцетин бўлгани учун яллиғланишнинг олдини олади, иммунитетни кўтарди, темир моддасига бой бўлгани сабаб қондаги гемоглобин миқдорини оширади.

### АСАЛ

Танада қон айланишини яхшилайди, ички таъзоларга қон келишини кучайтиради. Қон таркибида калий, кальций тузлари, натрий, магний, темир, олтингургурт, йод, хлор, фосфор сингари минерал моддалар қанча бўлса, асалда ҳам шунча миқдорда мавжуд.

### АТИРГУЛ

Юрак ўйноғи ва тушқунлиқнинг ҳақиқий шифосидир. Атиргул қиёмидан тотган кишининг танасида моддалар алмашинуви сезиларли яхшиланиб, юраги тинчланади.

## BILASIZMI?

● Австралиялик психологларнинг айтишича, кайфиятнинг ёмон бўлиши биз ўйлаганчалик зарарли эмас. Тунд кайфият жиддий қарорлар қабул қилаётганимизда диққатни жамлашга ёрдам берар экан.

● Дили хуфтон бўлган киши тирноқ остидан кир қидирадиган бўлиб қолади ва натижада ҳар бир нарсанинг тағига етишга ҳаракат қилади. Бундай кайфиятдаги киши фирибгарлар тўрига осонликча илинмайди, вазиятни тўғри баҳолай олади, деган хулосага келишди психологлар.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир  
Абдусанд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақамдан била 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Маҳсум МАҲМУДОВ,  
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Сувон НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.  
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилигида таҳририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета  
ҳафтанинг  
жума кунин  
чиққади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида топ этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1065 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 10026 нусха.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66; 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асияддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Муборак МИРҚАМОЛОВА

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 715-87-21

Гулистонда 240-00-46

Жиззахда (94) 199-95-64

Навоийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 230-64-80

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 288-40-66

Урганчда (90) 713-21-40

Фарғонада 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99